



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ БОШҚА СОХАВИЙ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ТЕРРОРИЗМНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ*

*Академияси магистратура тингловчисиси*

*А.А.Эргашов*

*Таянч тушунчалар:* Ички ишлар органларининг сохавий хизматлари, ҳамкорлик, ички идоравий ҳамкорлик, идоралараро ҳамкорлик, жамоатчилик билан ҳамкорлик, ҳалқаро ҳамкорлик.

*Аннотация.* Мақолада ички ишлар органларининг бошқа сохавий хизматлари билан терроризмнинг профилактикасини ташкил этиши бўйича амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар унинг терроризмни барвақт профилактикаси бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилган.

## ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ТЕРРОРИЗМА С ДРУГИМИ ДОБРОВОЛЬНЫМИ СЛУЖБАМИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

*Основные понятия:* Профессиональные услуги органов внутренних дел, сотрудничество, внутриведомственное сотрудничество, межведомственное сотрудничество, взаимодействие с общественностью, международное сотрудничество.

*Аннотация.* В статье представлены профилактические мероприятия, которые необходимо проводить по организации профилактики терроризма совместно с другими специализированными службами органов внутренних



дел, предложения и рекомендации по ее раннему предупреждению терроризма.

## ORGANIZATION OF TERRORISM PREVENTION WITH OTHER VOLUNTARY SERVICES OF MINICAL AFFAIRS BODIES

*Key words:* Professional services of internal affairs bodies, cooperation, intradepartmental cooperation, interdepartmental cooperation, interaction with the public, international cooperation.

*Annotation.* The article presents preventive measures that need to be carried out to organize the prevention of terrorism together with other specialized services of the internal affairs bodies, proposals and recommendations for its early prevention of terrorism.

Ҳеч бир давлат органи бошқа тузилмалар билан ҳамкорлик қилмай туриб, фақат ички имкониятлари доирасида фаолиятининг самарадорлигини таъминлай олмайди<sup>1</sup>. Жумладан, ички ишлар органлари ҳам зиммасидаги вазифаларни амалга оширишда давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.

Терроризм профилактикасини таъминлашдаги ҳамкорлик - ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усулларидан, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб бажаради<sup>2</sup>. Ўзаро

---

<sup>1</sup> Бобохонов А.А. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги // Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: республика илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2015. - Б. 11.

<sup>2</sup> Пулатов Ю.С., Исмаилов И., Курбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Дарслик. -Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2005. - Б. 104.



хамкорликдан кўзланган мақсад - бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларни хал этишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш, биргаликда ҳаракат қилишдан иборатдир<sup>3</sup>.

Тадқиқотларда жиноятчиликка қарши кураш тизимидаги ҳамкорликни шартли равишда тўрт йуналишга: а) ички идоравий ҳамкорлик; б) идоралараро ҳамкорлик; в) жамоатчилик билан ҳамкорлик; г) ҳалқаро ҳамкорликка ажратилган<sup>4</sup>.

Ички ишлар органлари томонидан терроризмнинг олдини олишда ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад ҳудудлардаги криминоген вазиятларнинг барқарорлигини таъминлаш, диний экстремизм ва терроризм жиноятини барвақт олдини олиш борасидаги профилактик ишларни ташкил этиш ҳисобланади.

Бугунги кунда ички ишлар органлари томонидан терроризмнинг олдини олишда ҳамкорликнинг мазмун ва моҳиятига кўра:

1) Ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ўртасидаги;  
2) Ички ишлар органлари соҳавий хизматлари билан давлат ҳокимиятининг бошқа органлари ва муассасалари ўртасидаги;

3) Ички ишлар органлари соҳавий хизматлари билан жамоатчилик тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик каби уч гуруҳга ажратиш имконини беради. Юридик адабиётларда ҳамкорликнинг биринчи тури ички ҳамкорлик, иккинчи ва учинчи турлари эса ташки ҳамкорлик сифатида эътироф этилади<sup>5</sup>.

---

<sup>3</sup> Зарипов З.С. Профилактическая функция следственных подразделений органов внутренних дел. –Т., 1980. - С. 57.

<sup>4</sup> Исмаилов И. Терроризмга қарши кураш // Конун химоясида. - 2004. - № 7. - Б. 30.

<sup>5</sup>Административная деятельность органов внутренних дел. Часть особенная. Издание второе, исп. и доп.: Учебник / Под ред. проф. А.П. Коренева. - М.: МЮИ МВД России. Щит-М, 1999. - С. 7. Музеев А.И. Внутреннее взаимодействие органов внутренних дел по борьбе с бандитизмом // Казань: Вестник Казанского юридического института МВД России. - 2012. - №9. - С. 63.



Хамкорликнинг шакллари хусусида сўз борганда В.А. Малютин уни учга: функционал-тадбир, процессуал ва ташкилий шаклларга ажратса, Е.В. Киричѐк хамкорликнинг ҳуқуқий ва ноҳуқуқий шакллари ажратиб кўрсатади<sup>6</sup>. Бироқ, хамкорликнинг шакллари етарлича акс этмаганлиги ва умумий хусусиятга эгаллиги боис ушбу олимларнинг таснифларига тўлиқ қўшилиб булмайди.

Хамкорликнинг: ахборот алмашиш; тезкор вазиятга мос тарзда куч ва воситаларни биргаликда тақсимлаш; биргаликда режалаштириш ва тадбирлар белгилаш; биргаликда криминоген ҳолатни ўрганиш ва таҳлил қилиш; қўшма тадбирлар ўтказиш; биргаликда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш; ўзаро тажриба алмашиш; фуқароларни хамкорликка ўргатиш каби шакллари мавжуд<sup>1</sup>.

Ички ишлар органларининг терроризмни олдини олишдаги хамкорликни шартли равишда икки асосий шаклга: а) **ўзаро ахборот алмашиш**; б) фаолиятга доир муайян чора-тадбирларни хамкорликда режалаштириш, амалга ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни бажаришга узаро ёрдам бериш ва куллаб-қувватлашда намоён буладиган **амалий хамкорликка** ажратиш мумкин.

Хамкорликка киришувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар жараёнида асосан маълумот алмашинуви кўзга ташланиши боис ўзаро ахборот алмашишга хамкорликнинг энг кўп тарқалган шакли сифатида қаралади. Ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва ўзаро алмашиш асосида олинган хулоса ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқбузар ёки

---

<sup>6</sup> Киричѐк Е.В. Организационно-правовой механизм обеспечения конституционных прав и свобод человека и гражданина в условиях взаимодействия полиции и институтов гражданского общества в Российской Федерации: Дис. ... д-ра. юрид. наук. –М.: Академия управления МВД Российской Федерации, 2014. - С. 402.



хуқуқбузарликка мойил булган шахс билан муносабатига таъсир кўрсатиши ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Самарали ҳамкорликнинг энг муҳим ва зарурий белгилари сифатида: таъсир объекти ва мақсад бирлиги, вазифаларнинг умумийлиги; ҳуқуқий тартибга солинганлиги; ҳамкорлик чоғида ваколатларнинг тақсимланиши; мақсадга эришишдан ўзаро манфаатдорлик; ҳамкорликка бўлган амалий эҳтиёж; ҳаракатларнинг келишилганлиги ва биргаликда бажарилиши; куч ва воситаларни танлашда субъектларнинг мустакиллиги; ҳамкорликда узаро ёрдам ва кумак берилиши; ҳамкорликнинг бориши ва натижалари хақида томонларнинг бир-бирини хабардор қилиши; ҳамкорлик натижалари учун биргаликда жавобгар бўлиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ҳамкорликка киришувчи таркибий тузилмалар уйғунлигини, жалб этилган куч ва воситаларнинг мобиллигини таъминлаш – маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг терроризмни олдини олишдаги кенг кўламли ҳамкорликнинг асосий белгиларидан бири унинг ҳуқуқий тартибга солинганлигидир. Бу уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамлайди, ҳамкорликка киришувчиларнинг масъулиятини оширади. Ҳамкорлик жараёнида ходимлар ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши учун худуддаги оператив вазиятни, аҳоли таркибини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши, профилактик ҳисобда турган шахсларнинг турмуш тарзи ва ҳуқуқ-атворини, диний экстремистик оқимлар таъсирига тушишга мойил ҳамда ушбу турдаги жиноятлар содир этган шахслар ҳамда худудни таърифловчи бошқа маълумотларни билишлари муҳим ҳисобланади.

Ҳамкорликка киришишда профилактика катта инспектори хизматга жалб қилинган ходимларга ишнинг моҳиятини тушунтиради, хизмат худудидаги тезкор вазиятнинг хусусиятлари, ички ишлар органларининг



профилактик хисобида турган шахсларнинг яшаш жойлари, қидирувда бўлган жиноятчилар ва бедарак йуқолган шахсларнинг белгилари, ички ишлар органларини қизиқтирувчи шахслар ва бошқа зарур маълумотлар тўғрисида аниқ маълумот бериб, йул-йуриқ кўрсатади. Патруллик худудида хизмат кўрсатиш учун жалб этилган нарядларнинг тезкор бошқарувини амалга оширади<sup>7</sup>.

Ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан терроризмни олдини олишда жиноят қидирув бўлими тезкор вакили профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг асосий йуналиши жиноят содир этган шахсни топиш ҳамда суд томонидан унга адолатли жазо тайинланиши учун айбдорлигини ишончли тарзда ҳар томонлама исботлашдан иборат<sup>1</sup>. Профилактика инспектори маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани негизида жиноят қидирув хизматининг ҳам соҳавий йуналишлар буйича, ҳам маъмурий ҳудудга бириктирилган ходимлари билан ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспекторлари тезкор қидирув ходимлари билан ҳамкорликни амалга оширишда: диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиб илгари судланган ва маъмурий назоратда турганлар, жиноят содир этишга мойил шахслар буйича ўзаро ахборот алмашиш; ҳамкорликда маъмурий ҳудуддаги қидирувдагилар ва бедарак йуқолганларни қидириб топиш чораларини кўриш, очилмаган жиноятлар буйича биргаликда ишлаш; гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомалада булиши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, шу мақсадда тезкор-профилактик тадбир ва рейдлар ўтказиш; одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши жиноятлар содир этаётган шахсларни аниқлаш ва ноқонуний фаолиятига чек

---

<sup>7</sup> Административная деятельность органов внутренних дел. Часть особенная. Издание второе, исп. и доп.: Учебник / Под ред. проф. А.П. Коренева. - М.: МЮИ МВД России. Щит-М, 1999. - С. 33.



Кўришиб турибдики, профилактика инспекторлари тезкор-қидирув ходимлари билан ҳамкорлиги асосан жиноятчиликнинг ҳолатини ўрганиш, жиноятларни очиш ва яширинган жиноятчини қидириб топиш буйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва режалаштиришда намоён булиб<sup>8</sup>, бу ҳамкорлик икки томоннинг тенг манфаатдорлигини назарда тутди. Бундай ҳамкорлик орқали профилактика инспектори тезкор қидирув ходимларига тезкор-қидирув фаолиятини таъминлашда ёрдам кўрсатса, тезкор-қидирув ходимлари ўз фаолияти орқали профилактика инспекторига худудда жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашда ҳар томонлама кўмаклашади.

Терроризм ва экстремизмга қарши кураш хизматининг тезкор вакиллари ўз фаолияти давомида профилактика инспекторлари билан узлуксиз ҳамкорликда иш олиб боради. Улар ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда:

1) худудда ноқонуний фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ҳхамда экстремистик ташвиқот юритувчи, миссионерлик ҳаракатларини амалга оширувчи фуқароларни аниқлаш, бу борада тезкор-профилактик тадбирлар ва рейдлар ўтказиш;

2) ички ишлар органларининг профилактик ҳисобидаги конституциявий тузумга қарши хатти-ҳаракатлари учун жазога тортилиб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ва экстремистик оқим аъзолари билан тегишли тезкор-профилактик ишларни олиб бориш;

3) экстремизмнинг турли кўринишлари, ноқонуний диний сабоқ бериш ҳолатларини аниқлаш мақсадида, ҳамкорликда тезкор тадбирлар ўтказиш

---

<sup>8</sup> Организация работы участковых инспекторов милиции / Под. ред. Ф.Е. Колонтоевского. –М.: Академия МВД, 1992. –С. 82.



ҳамда айбдорларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

4) терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларни содир этгани учун жазо утаётган фуқароларнинг оила аъзоларига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

5) ҳудудда яшайдиган, тўғри йўлга кирмаган экстремистик оқимларга мансуб шахслар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни олиб бориш;

6) яшаш манзилидан узоқ муддатга чиқиб кетган ҳамда қайтиб келган шахслар билан ишлаш, уларнинг экстремистик оқимларга алоқадорлигини аниқлаш буйича тезкор-суриштирув тадбирларини амалга ошириш;

7) маҳаллалар, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида махсус билимга эга мутахассисларни жалб қилган ҳолда терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш, уларнинг салбий оқибатларини тушунтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши талаб этилади.

Тезкор қидирув ходимлари терроризмни олдини олишда ВЕЎНХПБ билан ҳамкорликни амалга оширишда:

1) таълим муассасаларида махсус билимга эга мутахассисларни жалб қилган ҳолда терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш, уларнинг салбий оқибатларини тушунтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш;

2) экстремистик оқим аъзолари фарзандарининг ҳулқ-атвори, ўқиш ва ўзлаштириш даражасини ўрганиш ва улар билан тегишли тезкор-профилактик ишларни олиб бориш;

3) экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишга мойиллиги юқори бўлганларни аниқлаш;





4) вояга етмаганларни жиноят ва бошка салбий хатти-харакатларга жалб қилаётган шахсларни аниқлаш ҳамда қонунга мувофиқ чоралар кўриш, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш, ҳисобга олиш, улар билан якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этиш;

5) «Ўқувчи», «Ўсмир», «Давомат» ва бошка махсус тезкор-профилактик тадбирлар доирасида тегишли ишларни амалга ошириш;

6) ЖИЭМдан озод этилган, шартли ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган, махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган ўсмирлар билан кенг камровли тарбиявий ишлар олиб бориш<sup>9</sup>;

7) вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий химоялаш, фарзанд тарбияси учун ота-оналар ва уларнинг урнини босувчи шахсларнинг масъулиятини ошириш.

Тезкор қидирув ходимлари терроризмни олдини олишда патруль-пост хизматлари билан ҳамкорликни амалга оширишда:

1) худудда яшовчи маъмурий назоратда турганлар, илгари судланган ва шартли ҳукм қилинганлар, жиноят содир этишга мойил шахслар ва улар тупланиши мумкин бўлган жойлар ҳақида ахборот алмашиш ҳамда бундай жойларни биргаликда кузатиш;

2) маҳалла миқёсида оммавий тадбирлар, жумладан байрам ва спорт тадбирлари ўтказилганида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш;

---

<sup>9</sup> Касницкая И.Ю. Вопросы о взаимодействии подразделений по организации работы участковых уполномоченных полиции с другими подразделениями ОВД по контролю за лицами, условно осужденными и условно-досрочно освобожденными из мест лишения свободы // Научно-методический электронный журнал «Концепт». - 2014. - № 15. - С. 30.



3) жамоат жойлари ва кўчаларда жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаблар, шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

4) хизмат ҳудудида содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш, уларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарларни тегишли жавобгарликка тортишни таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиши лозим.

Ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари терговчи ва суриштирувчилар билан диний экстремистик ва террористик актларни содир этган ва бундай ҳаракатларда иштирок этган шахсларни тергов қилишда ҳамкорликни амалга оширади.

Бундан ташқари, қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик амалга оширилади: ходиса содир булган жойнинг узида уни иссик изидан очишни ташкил этиш; терговга кадар текширув ва дастлабки тергов босқичида жиноят иши буйича процесс иштирокчиларини мажбурий келтириш, терговчи ва суриштирувчининг қарорига мувофиқ айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишда кўмаклашиш; қонун талабларига мувофиқ, ЖПКнинг 84-моддаси билан тугатилган жиноят ишлари буйича шахсларни ИИОнинг профилактик ҳисобига олишни ташкил этиш; жиноят ишлари юзасидан тегишли маълумотларни жойларда ўрганиш; иш қўзғатишни рад этиш ёки аризани, хабарни терговга тегишлигига кўра ўтказишни ташкил этиш; ҳудудда содир булган ҳар бир жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш, уларни бартараф этиш буйича тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига тақдимномалар киритиш, уларни кенг жамоатчилик иштирокида жойларда биргаликда муҳокама қилиш масалаларига асосий эътиборни қаратиши лозим.

Тезкор қидирув ходимлари терроризмни олдини олишда МваФРХ билан ҳамкорликни амалга оширишда:



1) фуқароларга паспорт берилиши ва алмаштирилишини ташкиллаштириш, аҳолининг паспорт билан таъминланганлик даражасини ўрганиш ва тахлилини олиб бориш;

2) хизмат ҳудудида паспорт тизими қоидалари бузилишининг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли қонуний чоралар кўрилишини таъминлаш;

3) ҳудудда доимий ва вақтинча яшовчи шахсларнинг ҳисобини юритиб, ҳар чоракда камида бир марта улар ҳақиқатан ҳам манзилда яшаётганини текшириш;

4) туман марказларидан узоқда яшовчи фуқароларга маҳалла ҳуқуқ тартибот масканларида паспорт бериш, уни алмаштириш, кайд этиш, руйхатдан ўтказиш ва чиқариш буйича шароит яратиб бериш;

5) яшаш манзилидан узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган ва қайтиб келган фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорти)ни йўқотиб, сертификат билан қайтганларининг ҳисобини юритиш ва бу борада тегишли соҳавий хизматлар билан ахборот алмашиб бориш;

б) хизмат ҳудудида паспортларни қалбакилаштиришнинг олдини олиш ва фoш этишга қаратилган тезкор-профилактик тадбирларни ўтказиш;

7) чегараолди зоналарига кириш ва яшаш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиши талаб этилади.

Тезкор қидирув ходимлари терроризмни олдини олишда пробация хизмати билан ҳамкорликни амалга оширишда:

1) ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш тариқасидаги жазолар тайинланган ва шартли ҳукм қилинган



маҳкумлар хақида ахборот алмашиш, уларга нисбатан профилактик ҳисобларни юритиш;

2) ҳисобда турган шахслар томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган талабларга риоя этиб борилишини назорат қилиш ва улар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш;

3) жазо муддати давомида маҳкум томонидан суд ҳукми билан юклатилган мажбуриятларнинг уз вақтида бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, зарур ҳолларда маҳкумга ишга жойлашишда ёрдам бериш;

4) маҳкум томонидан жазони ўташ тартиби ва шартлари бузилганда, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлар содир этилганида, уни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда бартараф қилиш, унга нисбатан белгиланган тартибда қонуний чора кўрилишини таъминлаш;

5) шахс жазони ўташдан яширинганида унинг яшириниш сабаблари, яқин алоқалари, бориш эҳтимоли мавжуд бўлган жойларни ўрганиш ҳамда маҳкумни қидириб топиш чораларини кўриш;

6) жазо муддати тугаши муносабати билан маҳкумни профилактик ҳисобдан чиқариш масалаларига асосий эътиборни қаратиши лозим.

Хулоса ўрниба айтиш лозимки, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ўртасида терроризмни олдини олиш ҳамда унинг сабаблари ва унга имкун берган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш юзасидан ўзаро ҳамкорликни ташкил этилиши ушбу турдаги жиноятларни барвақт олдини олишга, унинг содир этилишини олдини олиш бўйича чоратadbирларни белгилашга хизмат қилади.